

ШАРТНОМА № 46/5

(Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳақида)

“ 18” Январь 2022 йил.

Фаргона шаҳри.

Ушбу шартнома бир томондан “FARG'ONA DORI-DARMON” акциядорлик жамияти номидан бошқарув раиси **М.А.Турсунов** вакиллигида келгусида “Ижрочи” ва иккинчи томондан **Фуркат туман Тиббиёт бирлашма бошлиғи М.Б.Эргашев** вакиллигида келгусида “Буюртмачи” ўртасида ҳар икки томоннинг амалдаги “Низом”лари ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига, шунингдек, бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ куйидаги мазмунда тузилди:

I. Шартнома предмети.

1.1 “Ижрочи” “Буюртмачи”га ушбу шартномага асосан умумий қиймати **12916566 сўм (Ун икки миллион туккиз юз ун олти минг беш юз олтинчи олти сўм)**

(сумма рақам ва сўз билан ёзилган)

бўлган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар (келгусида “Товар” деб номланади)ни спецификацияга асосан бир мартабалик ёки йиллик талабнома асосида етказиб беради.

1.2. “Ижрочи” эса ўз навбатида ушбу “Товар” лар учун келишилган ҳақни шартноманинг 2-бўлимида белгиланган шартлар асосида “Буюртмачи” га тўлайди.

II. Тўлов тартиби.

2.1. “Буюртмачи” шартнома имзолангандан сўнг етказиб берилиши лозим бўлган “Товар” умумий қийматининг 30 % ни олдиндан **3874969,80 сўм** миқдорда “Ижрочи” нинг ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлайди. Етказиб берилган “Товар” лар тўловининг қолган, яъни 70 % қисми эса “Буюртмачи” томонидан “Товар” қабул қилиб олингандан сўнг 30 (ўттиз) календарь кун ичида тўлиқ тўлаб берилади.

III. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. “Ижрочи” нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1. “Буюртмачи” томонидан “Товар” умумий нархининг 30 фоизи “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлангандан сўнг “Ижрочи” “Буюртмачи” ни “Товар” билан таъминлайди.

3.1.2. “Ижрочи” “Буюртмачи” га тегишли ҳужжатлар асосида “Товар”ни белгиланган тартибда ҳамда белгиланган стандарт сифат даражасида топшириш мажбуриятини олади.

3.1.3. “Ижрочи” “Буюртмачи” га қулайлик яратиш мақсадида “Товар”ни ўз транспорт воситаларида “Истеъмолчи” нинг манзилгоҳига етказиб бериши мумкин. Бу ҳолда транспорт воситаси орқали етказиб бериш харажати “Ижрочи” томонидан қопланади.

3.1.4. “Ижрочи” нинг транспорт воситасида етказилган “Товар” нинг миқдоридан аниқланган камомад ҳамда сифатсизликлар юзасидан “Буюртмачи” “Ижрочи”нинг вакили иштирокида “Товар” етказилган қундаёқ далолатнома тузиб ҳолатни тасдиқлайди. Мазкур далолатномага асосан камомад ҳисоби “Ижрочи” томонидан тўлдирилади. Агарда ушбу ҳаракатлар ўз вақтида амалга оширилмаса эътироз асоссиз деб ҳисобланиб, инobatга олинмайди.

3.1.5. “Ижрочи” Соғлиқни сақлаш тизимидаги юқори ташкилотлар тасдиқлаган марказлашган тақсимот орқали дори воситалари ва мурувват ёрдамларидан келган “Товар”лар билан “Буюртмачи”ни таъминлайди. Тақсимотни тасдиқлаган ташкилотнинг рұхсатисиз “Буюртмачи” “Товар” ни олишга ҳақли эмас. Транспорт харажатлари “Буюртмачи” томонидан қопланади.

3.2. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.2.1. “Ижрочи” “Буюртмачи” дан шартнома тузилгандан сўнг етказиб берилиши лозим бўлган “Товар” учун уларнинг умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан тўлагандан сўнг 10 календарь кун ичида тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, “Товар”ни ишончнома асосида қабул қилиб олиш ҳуқуқига эга.

3.2.2. “Буюртмачи” “Ижрочидан” дан Ўзбекистон Республикасида фармакологик рўйхатдан ўтказилиб, ишлатишга рұхсат этилган, сифати, маркировка ва ўрамлари амалдаги фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган “Товар”ларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Етказиб берилган “Товар” сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмаса, “Буюртмачи” “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига мувофиқ “Товар”ни қабул қилишни ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “Ижрочи”дан сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмайдиган “Товар” қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

IV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликлари

4.1. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

4.2. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га берилган йиллик берилган буюртмаларни “Буюртмачи” ушбу шартноманинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ олиши шарт. Ақс ҳолда “Буюртмачи”дан Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси

тўғрисида” ги Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ қилинмай қолган (олинш асосиз рад этилган) “Товар” суммасининг 5 фоизи, тез бузиладиган “Товар”лар бўйича эса 10 фоизи миқдорда жарима ундирилади

4.3. “Ижрочи” томонидан етказиб берилган “Товар” учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳақи “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган умумий сумманинг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда “Ижрочи” га пеня тўлайди.

4.4. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га йиллик берилган буюртмаларни етказиб беришни “Ижрочи” асосиз равишда кечиктирса, кечиктирилган ҳар бир кун учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га етказиб берилмаган “Товар” умумий қийматининг 0,5 фоизи миқдорда, аммо етказиб берилмаган товар умумий қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

V. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Тарафлардан ҳеч бири бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (урушлар, фуқаролик тартибсизлиги, эпидемия ҳолати, блокада, эмбарго, табиий офатлар) билан боғлиқ ҳолатда бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Агарда келишувга эришилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда “Ижрочи” жойлашган жойдаги иктисодий суд томонидан ҳал қилинади.

VII. Шартнома муддати ва уни ўзгартириш тартиби

7.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат томонларнинг ўзаро ёзма келишувлари билан киритилиши мумкин.

7.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхала тузилди.

7.3. Ушбу шартнома газначилик бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик кучга кирди.

7.4. Шартнома 2022 йил “31” декабр кунига қадар амал қилади.

VIII. Томонларнинг почта манзили ва тўлов реквизитлари:

“Ижрочи”

“Буюртмачи”

“FARG’ONA DORI-DARMON” АЖ

Фарғона ш. Ал-Фарғоний кўчаси 50-уй
Омбори: Кўкон ш. Турон кўчаси 76-уй
Х/р: 2020800000215318001 МФО: 00493
Ўз.Р. ТИФ Миллий Банкнинг Фарғона бўлими.
ИНН: 200153801 ОКОНХ:71212
Тел: Фарғона (73) 244-66-14. инд:150100
Кўкон: (73) 543-21-37.

Фуркат туман Тиббиёт бирлашма

манзил: Навбахор ш
х/р: 100022860302387073101054001
банк: Марказий банк ташкент
СТИР: 200201685 ОКОНХ :91 511
Газначилик бўлинмаси номи:
Фуркат тумани
Марказий банк Тошкент шаҳар Бош
бошқармаси ХККМ
Ягона ғазна х/в: 23402000300100001010
МФО: 00014 СТИР: 201122919
Тел:

“FARG’ONA DORI-DARMON” АЖ

бошқарув раиси:

М.А.Турсунов.

Раҳбар:

М.Б.Эргашев
(имзо, муҳр, Ф.И.О.)

Ҳуқуқий ҳулоса

Мазкур шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб:

- Шартнома лойиҳасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беришини ва қонунга мос ҳолда тузилганлигини;

- Томонларнинг шартномада кўрсатилган мулкӣ жавобгарликлари ва ўзаро низоларни ҳал қилиш йўллари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни асосида белгиланганлигини аниқладим.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шартнома лойиҳасини қонун ҳужжатлари асосида тузилган деб ҳисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман.

“FARG’ONA DORI-DARMON” АЖ юристи:

М.Юлдашев

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

18.01.2022 yil

Furqat tumani

1. Loyihaning turi: shartnoma.
2. Loyihaning nomi: "FARG'ONA DORI-DARMON" AJ bilan Furqat tuman tibbiyot birlashmasi o'rtasidagi 12916566 so'm (O'n ikki million to'qqiz yuz o'n olti ming besh yuz oltmish olti so'm) miqdoridagi mahsulot etkazib berish to'g'risidagi shartnoma.
3. Loyiha ishlab chiqilgan va kiritilgan sana: Furqat tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 18 yanvar kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 18 yanvar kuni markazga taqdim qilingan.
4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:

Furqat tumani tibbiyot birlashmasining: "FARG'ONA DORI-DARMON" AJ bilan mahsulot etkazib berish to'g'risidagi 46/5-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi mazmunan o'rganib chiqildi.

O'rganish natijalari bo'yicha ushbu shartnoma O'zbekiston Respublikasining Xo'jalik yurituvchi sube'ktlarining shartnomaviy huquqiy ba'zasi to'g'risidagi Qonuni va Fuqarolik Kodeksiga asosan ishlab chiqilganligi ma'lum bo'ldi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA

Furqat tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan taqdim etilgan 46/5-sonli shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazildi, yuqoridagilarga asosan, mazkur shartnoma loyihalarini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq.

Furqat tuman YXKM
bosh yuriskonsulti



U.Xamidov

СПЕЦИФИКАЦИЯ ЦЕН.

Приложение к договору

Поставщик: "Фаргона Дори-Дармон" АЖ
 Покупатель: ФУРКАТ Т-Н ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ

№№	Наименование товаров и услуг.	Производитель	ЕдИзм	Серия	Колво.	Цена		Реализация	Стоимость товаров	Срок годности
						опт цена	ндс			
1	БИНТ МАРЛ МЕД Х/Б Н/С 7МХ14СМ (237)	ООО Вахтекс-Фарм	шт	37-39 83	800	2299,77	0	2299,77	1839816,00	12.2026
2	БАТА МЕД. ГИГРОС.ГИГЕН Н/С 100 Г (238)	ООО Вахтекс-Фарм	шт	48-49 29	150	5175,00	0	5175,00	776250,00	12.2026
3	БАТА МЕД. ГИГРОС.ГИГЕН Н/С 250 Г (238)	ООО Вахтекс-Фарм	шт	28 89	150	11400,00	0	11400,00	1710000,00	12.2026
4	МАРЛЯ МЕД Х/Б В ОТБЕЛ В КУСКАХ 10М Х90СМ (252)	ООО Вахтекс-Фарм	УП	28-29 89	140	20700,00	0	20700,00	2898000,00	12.2026
5	ПЕРЧАТКА НЕСТЕРИЛ. №100 РАЗМ L,M	ООО ANSIKENT SOF SANOAT	УП	002	30	97750,00	0	97750,00	2932500,00	07.2026
6	ПЕРЧАТКА СТЕРИЛЬН РАЗМЕР 7 7,5	ООО ANSIKENT SOF SANOAT	ПАР	00002	1 000	2760,00	0	2760,00	2760000,00	07.2024
Итого к оплате Двенадцать миллионов девятьсот шестнадцать тысяч пятьсот шестидесять шесть сум 00 тийин									12916566,00	

от Поставщика: _____
 подпись



от Покупателя: _____
 подпись



43101

410

5



Фармацевтика
тармоғини
ривожлантириш
агентлиги

№ 4330-555e-6a07-fcf0-48c7-5205-0891
Хужжат яратилинган сана: 2020-03-12
Ариза рақами: 16071704

Хужжат берилган: "FARG`ONA DORI DARMON"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 200153801

Серия: - №: -

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги
Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15533 - сонли
ЛИЦЕНЗИЯ**

Ушбу лицензия "FARG`ONA DORI-DARMON" акциядорлик жамиятига дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш, доривор ўсимликлар хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш, дори воситаларини тайёрлаш рухсатни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 50 уй.

Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):	200153801
Лицензия берилган сана:	30-01-2020 йил
Амал қилиш муддати:	30-01-2025 йил
Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:	14113-20
Ваколатли шахс:	С.Кариев

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги текшириш учун gero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

7286

